



# International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies

*International Conference of Economics, Finance and Accounting Studies is a double-blind peer-reviewed, open-access journal published to reach excellence on the scope. It considers scholarly, research-based articles on all aspects of economics, finance and accounting. As an international congress aimed at facilitating the global exchange of education theory, contributions from different educational systems and cultures are encouraged. It aims to provide a forum for all researchers, educators, educational policy-makers and planners to exchange invaluable ideas and resources.*

## Махсус Солиқ Режимлари

Каландарова Феруза Каримджан кизи

АндҚХАИ магистранти

### ABSTRACT

Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг айрим гуруҳлари учун махсус солиқ режимларининг турлари жорий қилинган. Ушбу мақолада ушбу махсус солиқ режимлари таркибига киритилган айланмадан олинадиган солиқ, маҳсулот тақсимотида оид солиқ режими асосида олинадиган солиқларнинг мазмун ва моҳияти очиқ берилган.

### KEYWORDS

махсус солиқ режими, айланмадан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркор, қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи.

### INTRODUCTION

Махсус солиқ режимлари айрим солиқларни тўлашдан озод этишни, пасайтирилган солиқ ставкаларини ва бошқа солиқ имтиёзларини қўллашни назарда тутиши мумкин.

Ўзбекистон солиқ тўловчиларнинг муайян гуруҳлари учун иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ёки алоҳида тармоқлар ёки ҳудудларни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус солиқ режимларини таклиф этади.

Махсус солиқ режимларининг турлари қуйидагилардан иборат:

#### 1. Айланмадан олинадиган солиқ

Компаниянинг жами даромадига асосланган соддалаштирилган солиқ режими бўлиб, одатда кичик корхоналар учун ҚҚС ва фойда солиғи ўрнини босади. Бу режим йиллик айланмаси 1 млрд сўмдан ошмайдиган компаниялар ва ЯТТлар учун амал қилади. Эътиборли жиҳати, АОС базаси нафақат товарлар ва хизматлар реализация қилишдан даромад, балки бошқа операцион даромадлар ва молиявий даромадларни (агар тўлов манбаида солиққа тортилмаган бўлса) ўз ичига олади.

#### 2. Маҳсулот тақсимотида оид алоҳида тартиб

Мазкур тартиб СКнинг 69-боби билан тартибга солинади. Ушбу бобда мазкур солиқ режимига оид умумий қоидалар ва солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Маҳсулот тақсимотида оид солиқ режимини тушуниш учун “Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида”ги Қонунни ҳам тушуниш ва қўллаш талаб этилади.

Маҳсулот тақсимотида оид битим Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ҳамда муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун мутлақ ҳуқуқлар беради.

Мисол учун очик маълумотларга кўра, қуйидаги маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ташкил этилган компанияларни мисол қилиш мумкин:

- Лукойл компанияси
- Газпром компанияси
- SURHAN GAS CHEMICAL

Келишувга кўра, “Лукойл” инвестиция киритади . 9-10 млрд доллар атрофида инвестиция киритди дейлик: завод курди, бурғилаш қилди ва ҳоказо. 13 та кондан табиий газ, конденсат ва олтингугурт олинади. Бу маҳсулотлар сотилганидан тушган маблағнинг бир қисми киритилган инвестицияни қайтаришга, яна бир қисми операцион харажатларга (булар ҳаммаси назорат остида), яна бир қисми эса солиқларни тўлашга йўналтирилади. Охири қолгани – фойда.

Шу фойданинг 50 фоизи – “Лукойл”га, 50 фоизи – давлатга. “Лукойл” оладиган 50 фоизнинг ичида 10 фоиз “Ўзбекнефтгаз”нинг улуши ҳам бор.

Айтайлик, 100 млн доллар соф фойда чиқди дейлик. 50 млн доллар – “Лукойл”га ва шунинг яна 10 фоизи – 5 млн доллар “Ўзбекнефтгаз”га кетади. Ана шу принцип ишлайди. Бу – базавий принцип.

Солиқ солишнинг ўзига ҳос хусусияти

Чет эллик инвесторга солиқ солиш қуйидаги ўзига ҳос хусусиятлар инobatга олинган ҳолда амалга оширилади:

1) фойда солиғи маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажариш чоғида олинган даромад бўйича ва фаолиятнинг бошқа турлари бўйича олинган даромад бўйича алоҳида-алоҳида тўланади. Битим шартларига биноан чет эллик инвесторга тегишли бўлган, чегирмалар қилинмаган ҳолда фойдага қолган маҳсулотнинг қиймати маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажариш чоғида олинган даромадлар бўйича фойда солиғи солиш объектидир;

2) минерал хом ашёни кавлаб олиш ҳажмига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбатан фоизли нисбатда маҳсулот тақсимотига оид битим шартларига мувофиқ белгиланадиган ва пул шаклида ёки кавлаб олинган минерал хом ашёнинг бир қисми тарзида тўланадиган ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ.

### 3. Махсус иқтисодий зоналар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4853-сон қарорида махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда алоҳида солиқлар, шунингдек, божхона тўловлари бўйича имтиёزلарни қўллашнинг ўзига ҳос хусусиятлари назарда тутилиши қайд этилган.

Бунда, мол-мулк солиғидан, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача (300 минг.доллардан 3 млн.долларгача — 3 йил; 3 млн.доллардан 5 млн.долларгача — 5 йил; 5 млн.доллардан 10 млн.долларгача — 7 йил; 10 млн.доллардан ва ундан юқори бўлганда — 10 йил муддатга) берилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 473-моддасига асосан махсус иқтисодий зона иштирокчиларига киритган инвестиция ҳажмига қараб (3 млн.доллардан 5 млн.долларгача — 3 йил; 5 млн.доллардан 15 млн.долларгача — 5 йил; 15 млн.доллар ва ундан юқори бўлганда — 10 йил муддатга) фойда солиғи бўйича имтиёз берилади.

4. Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби.

Айрим тоифадаги солиқ тўловчилар дейилганда қуйидагилар назарда тутилади:

4.1 Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахсларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари (СК 67-боб) – бундай юридик шахсларга Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан белгиланадиган муддатга киритилган тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари ҳажмига қараб, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод этиш тарзидаги солиқ имтиёзлари берилади. Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона солиқ тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа солиқ имтиёзлардан фойдаланишга ҳақли.

4.2 Адвокатлар ҳайъатларига, адвокатлик фирмаларига, адвокатлик бюроларига ва адвокатларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари (СК 70-боб) - Адвокатлар ҳайъати, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюрolari фаолиятнинг нотижорат ташкилотлар сифатида адвокатлар томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қисми бўйича солиқлар ва йиғимлар тўлашдан озод қилинади, бундан божхона тўловлари, ижтимоий солиқ ва тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқлар мустасно.

4.3 Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари (СК 71-боб) - Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинадиган даромадлар бўйича белгиланган ставкалар бўйича ижтимоий солиқ ва ЖШДС солиғи тўлайди. Улар нотариал хизматлар кўрсатиш бўйича ҚҚСдан озод этилади. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фойда солиғини 15 ставка бўйича тўлайди. Бунда фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва тўлаш йилига бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай амалга оширилади.

5. Айрим ҳудудлар учун махсус тартиб

Иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ёки минтақавий номутаносибликларни бартараф этиш учун муайян ҳудудларда фаолият юритувчи компаниялар ва жисмоний шахслар учун солиқ имтиёзлари ёки соддалаштирилган тартиблар жорий қилинган. Солиқ солишнинг алоҳида тартибига эга Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари қуйидагилардан иборат: Фарғона вилоятининг Сўх тумани, Риштон туманининг Чўнғара маҳалласи, шунингдек Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа — 2 кўчаси. Мазкур ҳудудларда фойда солиғи, ЖШДС, ижтимоий солиқ, АОС 1 фоиз ставкада ундирилади.

Компаниянинг махсус солиқ режимига мос келиши унинг фаолият соҳаси, жойлашув ҳудуди, даромад, инвестициялар даражасига боғлиқ. Ушбу солиқ режимлари одатда инвестиция мажбуриятлари ёки ривожланишнинг аниқ мақсадлари билан боғлиқ бўлган белгиланган муддатларга эга.

Хулоса ўрнида махсус солиқ режимларининг имкониятларини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- Муайян солиқлардан озод қилиш;
- Камайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш;
- Бошқа солиқ чегирмалари (масалан, тезлаштирилган амортизация).

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (ЎзР 30.12.2019 й. ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган).

2. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни. Lex.uz.
3. Ibragimov A. va boshqalar. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. –Т.: Iqtisod-moliya. О’quv qo’lanma. 2008. -444 б.
4. Мухиддин Хожибоев. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишнинг айрим жиҳатлари. Агроиқтисодиёт журнали. 3 (29), 2023.
5. Turgunovich, M. A. (2023). KORXONALARDA MAHSULOT ISHLAB CHIQRISH VA SOTISH JARAYONI HISOBINING NAZARIY ASOSLARI. TA'LIM VA RIVOJLANISH TANLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(6), 142-144.
6. Мамажонов, А. Т. (2023). ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРОВЕДЕНИЯ МАРЖИНАЛЬНОГО АНАЛИЗА В ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТАХ. Gospodarka i Innowacje., 35, 538-542.
7. Мамажонов, А. Т. (2022). ОРГАНИЗАЦИОННО-МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УЧЕТА И АНАЛИЗА ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ. ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНЫҢ ҒЫЛЫМ ЖӘНЕ ЖОҒАРЫ БІЛІМ МИНИСТРЛІГІ ҚАЗАҚ ҰЛТТЫҚ АГРАРЛЫҚ ЗЕРТТЕУ УНИВЕРСИТЕТІ МИНИСТЕРСТВО НАУКИ И ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН, 395.
8. Turgunovich, M. A., Khozhiboev, M., Tursunbekovich, I. S., & Khasanovich, K. H. (2022). THE PROCEDURE FOR AUDITING FINANCIAL RESULTS BASED ON INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS. NeuroQuantology, 20(11), 2073.
9. Мамажонов, А. Т. (2022). Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини назарий жиҳатлари. Архив научных исследований, 4(1).
10. Turgunovich, M. A., Shodimukhamedovich, X. M., & Khasanovich, K. K. (2022). IMPROVING THE ORGANIZATION OF MANAGEMENT ANALYSIS IN AGRICULTURE. International Journal of Early Childhood Special Education, 14(3).
11. Мамажонов, А. Т., & Қодиров, Ш. К. (2022). Фермер хўжаликларида маҳсулот таннари таҳлили ва уни такомиллаштириш. Science and Education, 3(7), 350-358.
12. Turgunovich, M. A. (2021). Accounting Of Income And Expenses For Regular Activities. European Journal of Agricultural and Rural Education, 2(9), 20-22.
13. Мамажонов, А. Т., & Хожибоев, М. Ш. (2021). ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕТА В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ. ТЕСНика, (3-4 (7-8)), 3-6.
14. Мамажонов, А. Т. (2021). ЭКОНОМИЧЕСКИЕ КРИТЕРИИ КЛАССИФИКАЦИИ ВАЛЮТНЫХ ОПЕРАЦИЙ. ТЕСНика, (3-4 (7-8)), 7-11.